

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.I.106.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА СЕВАРАХОН ХАСАНОВНА

**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ҚОРХОНАЛАРИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Абдуллаева Севарохон Хасановна

Тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини
таъминлаш механизмини таъкомиллаштириш.....3

Абдуллаева Севарохон Хасановна

Совершенствование механизма обеспечения экономической
устойчивости предприятий текстильной промышленности.....27

Abdullaeva Sevarakhon Khasanovna

Improving the mechanism of ensuring the economic sustainability of textile
industry enterprises.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....56

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.I.106.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВА СЕВАРАХОН ХАСАНОВНА

**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ҚОРХОНАЛАРИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt400 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ferpi.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исманов Иброҳим Набиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бутабоев Маҳаммаджон Тўйчиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Умаров Илҳомжон Юлдашевич
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги PhD.03/27.02.2020.I.106.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “30” ноябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй, Тел./Факс: (99873) 2411206, e-mail: ferpi_info@edu.uz.)

Диссертация билан Фарғона политехника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (0005А-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй, Тел.: (99873) 2411293.)

Диссертация автореферати 2021 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “_____” _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.Ш.Хонкелдиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раисининг ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

О.Т.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Д.Қудбиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон саноат мажмуасида тўқимачилик саноати етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади ва жаҳон бўйича ялпи маҳсулотининг қарийб 6 фоизи, саноат мажмуасида банд бўлганларнинг 14 фоиздан ортиғи унинг ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатлар ўртасида ўзаро савдо алоқаларининг йўлга қўйилиши, халқаро товар айланмасига бир қатор давлатларнинг жалб этилиши жаҳон бозори конъюнктурасининг ўзгаришига ва ишлаб чиқариш соҳасидаги рақобатнинг кучайишига сабаб бўлиб, бу эса бозорларни кундалик истеъмол ҳамда техник маҳсулотлар билан таъминланишини жадаллаштирмоқда. Дунё миқёсида юз берган сўнгги ўн беш йилдаги иқтисодий инқирозлар ва ҳозирда давом этаётган пандемия шароити сабабли кўплаб мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятининг пасайиши натижасида тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш стагнацияси юзага келди. Ушбу ҳолат жаҳон бозорида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича асосий ўринни эгаллаб келган ишлаб чиқарувчилар таркибий тузилишининг ўзгаришини юзага келтирди. Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари тўқимачилик саноати соҳасида етакчи бўлиб, уларда миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тўқимачилик саноати устувор тармоқ сифатида шаклланган. Бу жараёнда тўқимачилик саноати корхоналарини иқтисодий барқарорлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.

Халқаро амалиётда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида тўқимачилик саноати тармоқларида иқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали юқори қўшилган қийматга эга бўлган, сифатли ва рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда дунё бозорида муносиб ўринни эгаллаш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида юқори, барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган молиялаштириш усулларини қўллаш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш масалалари кенг тадқиқ этилган. Бироқ иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган илмий тадқиқот ишларида сарфланган харажатларни қоплаш орқали ўзига мақбул бўлган фойдага эришиш билан рақобатчилар орасида ўз мавқеини сақлаб қолиш, шунингдек, фаолиятни ривожлантириш учун мавжуд янги имкониятларни белгилаб берувчи ўсиш нуқталарини ва стратегик афзаллик (устунлик)ларни шакллантириш вазифалари етарлича илмий жихатдан очиқ берилмаганлиги замонавий шароитларда хўжалик субъектларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш масаласининг долзарблигини янада оширмоқда.

Ўзбекистонда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида юқори, барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, уларни ўзлаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш, модернизация қилишнинг стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига юқори технологияли янги иш ўринларини яратиш,

корхоналарни техник ва технологик янгилаш, соҳада илғор “кластер модели”ни ташкил этишни янада чуқурлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин шунга қарамай “...жаҳон бозорларидаги рақобатнинг кучайиши, технологияларнинг ривожланиши ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг камайтирилиши ушбу соҳаларни ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини талаб этмоқда”¹. Бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар мазмуни хом-ашёни чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматга эга тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, маҳаллий тўқимачилик, тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш, ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари таннархини пасайтириш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186 сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 28 майдаги ПҚ-4341 сонли “Республика худудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453 сонли “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва 2020 йил 5 май ПФ-5989 сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини кўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини янада ривожлантиришни кўзда тутувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий барқарорлик концепцияси ҳамда тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини аниқлаш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг бир қанча жиҳатлари Р.Беллман, П.Ф.Друкер, К.Р.Макконнелл, С.Л.Брю, Р.Каплан, Т.Коупленд, Т.Коллер, А.Шумпетер, Б.Раян, И.Ансофф,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

О.М.Куликова, У.П.Козлова, Н.А.Максимова, А.С.Горшков каби хориж иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган².

Саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот кўламини кенгайтириш ва ушбу маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш муаммолари Д.Кудбиев, А.Ортиқов, Э.Х.Махмудов, Д.Бегов, М.И.Абдуллаева, Ш.Т.Одинаев, А.А.Аюпов, Э.А.Акрамов, Н.М.Махмудов, И.Н.Исманов, А.У.Бурханов³ ва бошқа иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда тўқимачилик корхоналари фаолиятини иқтисодий ривожлантириш масалаларига М.Р.Болтабаев, У.А.Шодмонова, А.А.Тилляходжаев, О.Давронов ва бошқа иқтисодчи-олимларнинг илмий ишлари бағишланган⁴.

² Куликова О.М. Разработка методов и инструментов оценки уровня экономической стабильности предприятий текстильной и легкой промышленности в условиях инновационной активности.: Автореф. дис. канд. экан. наук.-Санкт-Петербург, 2019.-С.14.; Козлова Е.П. Формирование механизма устойчивого развития промышленных предприятий на основе технологической трансформации.: Автореф. дис. канд. экан. наук.-Нижний Новгород, 2019.-С.18.; Максимова Н.А. Разработка методов и моделей принятия оптимальных управленческих решений для обеспечения организационной устойчивости предприятий текстильной и легкой промышленности на базе совершенствования организации складского хозяйства.: Автореф. дис. канд. экан. наук.-Санкт-Петербург, 2019.-С.20.; Горшков А.С. Разработка научных и методологических принципов повышения эффективности использования энергетических ресурсов на предприятиях текстильной и легкой промышленности и снижения энергоёмкости выпускаемой продукции.: Автореф. дис. доктор экон. наук.- Санкт-Петербург, 2019.-С.25.; Ансоф И. Новая корпоративная стратегия.- Питер, 1999.-С.416-ISBN 5-314-00105-2, 0-471-62950-2.; Беллман Р. Вопросы анализа и процедуры принятия решения.-М.: Мир, 1976.-С.172-215.; Друкер П.Ф. Менеджмент. Вызовы XXI века.-М.: “Манн, Иванов и Фербер”, 2012.-С.256- ISBN 978-5-91657-365-7; Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: в двух томах. Перевод с английского. Учеб.-Т.1.-М.: ИНФРА-М, 2001.-С.974.; Каплан Р., Нортон Д. Организация, ориентированная на стратегию. Как в новой бизнес среде преуспевают организации, применяющие сбалансированную систему показателей. Перевод с английского.-М.: ЗАО “Олимп-Бизнес”, 2008.-С.416.; Коупленд Т., Коллер Т., Муррин Дж. Стоимость компаний: оценка и управление. Перевод с английского.-М.: ЗАО “Олимп-Бизнес”, 2008.-С.576-ISBN 978-5-9693-0119-1.; Шумпетер Й.А. История экономического анализа. Перевод с английского.-М.: Экономическая школа, 2008.-С.98.; Раян Б. Стратегический учет для руководителей. Перевод с английского.-М.: Аудит, ЮНИТИ, 1998.-С.615.

³ Кудбиев Д. Учет и анализ основных фондов в торговле в новых условиях хозяйствования: автореф. дисс... док. экон. наук. – М., 1991; Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Ўқув кўлланма.-Т.: ТДИУ, 2014-85 б.; Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти.-Т.: ТДИУ, 2004.-208 б.; Бегов Д.М. Эффективность формирования регионального хлопково-текстильного кластера: дис.-Душанбе, 2020.-С.131.; Абдуллаева М.И., Одинаев Ш.Т. Эффективность кластерного развития хлопководства в Республике Таджикистан - Наука, новые технологии и инновации Кыргызстана, 2017 - С.85-86.; Аюпов А.А., Михайлов Р.В. Смешанная модель развития экономического кластера (на примере Камского инновационного территориально-производственного кластера)//Вестник ВУиТ.2013.№4(29).URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/smehannaya-model-razvitiya-ekonomicheskogo-klastera-na-primere-kamskogoinnovatsionnogo-territorialno-proizvodstvennogo-klastera>.; Акрамова Э.А. корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.-Т.: “Молия”, 2003.-224 б.; Махмудов Н.М. Макроиқтисодий барқарорликни мустахкамлаш – барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим шарты // Иқтисодиёт ва таълим. №2. 2017.-7-11 б.; Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари: иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Фарғона, 2009. – 32 б.; Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. №1, январь-февраль, 2017 йил.-1-8 б.; Бурханов А.У. Саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси. Монография.-Т.: “Фан”, 2009.-216 б.

⁴Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси. И.ф.д. дисс. Автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005.–35 б.; У.А.Шодмонова Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида енгил саноатнинг барқарор ривожланиш хусусиятлари: иқтисод фанлари номзоди дисс., Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси хузуридаги Иқтисодиёт институти.-Т., 2006. -140 б.; Тилляходжаев А.А. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналари рақобатбардошлигини ошириш ва соҳада маркетинг фаолиятини

Лекин, саноат корхоналарида хусусан, тўқимачилик саноати корхоналарининг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш механизми етарлича шакллантирилмаган, юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтириш бўйича замонавий ёндашувлар ҳамда дастаклар тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ушбу йўналишда кенг кўламда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш зарурияти туғилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институтининг тадқиқот ишлари дастурининг “Иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишлари” мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона вилояти тўқимачилик корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

“иқтисодий барқарорлик” тушунчасининг мазмуни ва унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини илмий ҳамда назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини намоён этувчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш;

тўқимачилик саноатининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва олинган таҳлил натижалари бўйича истиқболли йўналишларни белгилаб бериш;

тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий фаолиятининг барқарорлигини баҳолаш ва таҳлили асосида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш;

тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

тўқимачилик саноати корхоналарида юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилоятидаги тўқимачилик корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини ифодаловчи ишлаб чиқариш фаолияти белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий барқарорликни таъминлашда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли таҳлил, синтез, статистик гуруҳлаш ва таққослама таҳлил, SWOT таҳлили, илмий-абстракция, эксперт баҳолаш ва бошқа шу каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик саноати корхоналарида кўшимча қийматнинг бутун занжирига самарали таъсир кўрсата оладиган “ялпи инновацион маҳсулот”ни яратиш асосида тайёр маҳсулот экспорти даражасини икки бараварга ошириш имконияти асосланган;

тўқимачилик саноати корхоналарида тармоқларнинг ўзаро таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш асосида ягона логистик “ойна” ташкил этиш орқали молиявий оқимлар ва фаолиятни назорат қилиш таклиф этилган;

ишлаб чиқариш фаолиятида бир-бири билан боғлиқ тармоқларни кооперациясини ташкил этиш асосида бирлаштириш тўқимачилик ва машинасозлик саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини камида 10 фоизга ошириш имконияти аниқланган;

“Кластер” тизимидан фойдаланиш асосида пахта хом-ашёсига чуқур ишлов бериш натижасида бир тонна пахта хом-ашёсидан олинган пахта толасини экспорт қилиш ҳажми якуний тайёр маҳсулотни экспорт қилиш қийматидан икки баравар даражада паст эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий барқарорликни таъминлашга таъсир қилувчи омиллар гуруҳи шакллантирилган;

тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлигига ташқи ва ички омилларнинг таъсирини баҳолаш, омилларнинг салбий таъсирига қарши зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ҳамда корхонани барқарор ривожлантиришга қаратилган стратегияни шакллантиришда SWOT таҳлилидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

соҳа корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида тўқимачилик саноати корхоналарининг ўзаро узвий фаолиятини ташкил этиш, яъни пахта хом-ашёсини чуқур қайта ишлаш жараёнидан бошлаб уни юқори кўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот кўринишига келтириш жараёнларини тизимли амалга ошириш учун зарурий шарт-шароит яратиш бурувчи “кластер модели” тизимини такомиллаштириш таклиф этилган;

кўшимча қийматнинг бутун занжирига самарали таъсир кўрсата оладиган инновациянинг алоҳида турини “ялпи инновацион маҳсулот”ни яратиш имконияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мазкур тадқиқот ишида фойдаланилган барча ахборотлар улар олинган манбаларнинг расмий эканлиги билан, тўқимачилик саноати корхоналарида қўллаш учун ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар миллий тўқимачилик тармоғини ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналишларга мувофиқлиги мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этиш мақсадида қабул қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар, илмий хулосалардан ушбу йўналишдаги услубий ишларни янада такомиллаштириш ҳамда улардан истиқболда тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий жараёнларини самарали ташкил этиш механизмларини жорий қилишда, шунингдек тўқимачилик саноати тармоғининг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, тўқимачилик саноати ривожлантириш стратегияларини белгилашда ҳамда келгусида яратиладиган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўқимачилик саноати корхоналарида қўшимча қийматнинг бутун занжирига самарали таъсир кўрсата оладиган “ялпи инновацион маҳсулот”ни яратиш билан тайёр маҳсулот экспорти даражасини икки бараварга ошириш бўйича таклифи “О‘зто‘қимачиликсаноат” уюшмаси томонидан тизим тўқимачилик корхоналари хўжалик фаолиятига жорий қилинган (“О‘зто‘қимачиликсаноат” уюшмасининг 2021 йил 27 сентябрдаги 03/25-2713–сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида тўқимачилик корхоналарининг саноатлаштириш даражасини ҳамда тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш имконияти яратилган;

тўқимачилик саноати корхоналарида ягона логистик “ойна”ни ташкил этиш орқали молиявий оқимлар ва фаолиятни назорат қилиш таклифи “О‘зто‘қимачиликсаноат” уюшмаси томонидан тизим тўқимачилик корхоналари хўжалик фаолиятига жорий қилинган, шунингдек, ушбу таклифдан “Фарғона вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (“О‘зто‘қимачиликсаноат” уюшмасининг 2021 йил 27 сентябрдаги 03/25-2713–сон). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида тармоқ корхоналарининг молиявий фаолиятини барқарор ривожланишини таъминлаш, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, хўжалик фаолиятига хавф солувчи омилларга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

ишлаб чиқариш фаолиятида бир-бири билан боғлиқ тармоқларни кооперациясини ташкил этиш асосида бирлаштириш тўқимачилик ва машинасозлик саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 10 фоизга ошириш имконияти бўйича таклифи “О‘зто‘қимачиликсаноат” уюшмаси томонидан тармоқни ривожлантириш

стратегик “Йўл харитаси”ни тузишда фойдаланилган (“O‘zto‘qimachilik sanoat” уюшмасининг 2021 йил 27 сентябрдаги 03/25-2713–сон). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида алоҳида тармоқлар бўйича йиллик маҳсулотнинг қийматини, ишлаб чиқарилган қийматнинг таркибини, ушбу маҳсулотларни бошқа тармоқларда фойдаланиш учун тақсимотини таҳлил қилиш жараёнларини такомиллаштириш имконияти яратилган;

“Кластер” тизимидан фойдаланиш асосида пахта хом-ашёсига чуқур ишлов беришга қаратилган таклиф “O‘zto‘qimachilik sanoat” уюшмаси томонидан тўқимачилик корхоналари фаолиятига жорий қилинган (“O‘zto‘qimachilik sanoat” уюшмасининг 2021 йил 27 сентябрдаги 03/25-2713–сон). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида инвестицияларни жалб этиш шарт-шароитлари, инвестицияларни фаолият соҳалари бўйича тақсимлаш жараёнларини яхшилаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва унинг бугунги шароитдаги зарурлиги асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги кўрсатилган, мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишининг **“Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида жаҳон бозорлари конъюнктураси беқарорлиги, глобаллашув ва пандемия шароитида саноат корхонасининг энг асосий мақсадларидан бири бўлган иқтисодий барқарорлик тушунчасини атрофлича илмий талқин қилишга таалукли бўлган барча замонавий ёндашувлар, иқтисодий барқарорликни таъминлашга таъсир қилувчи

омиллар, тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини баҳолаш услубиёти тадқиқ қилинган.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг энг асосий мақсади– иқтисодий барқарорликни таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Маълумки, турли соҳалар учун зарурий ҳисобланган маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш воситалари бевосита саноат тармоғи корхоналари томонидан яратилади. Шундай экан, саноат тармоғи корхоналарининг ҳозирги ҳолати ишлаб чиқарувчи субъектлар томонидан уларнинг маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қай даражада қондира олишини белгилаб беради.

“Иқтисодий барқарорлик” тушунчаси кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан шакллантирилган ва саноат корхоналари доирасида қўлланиладиган илмий ёндашувларни тизимлаштириш асосида турлича талқин этилган. Хусусан, А.Вальд, П.Самуэльсон, Л.Вальрас, А.А.Богданов, В.С.Раппорт ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида корхона барқарорлигининг замонавий ёндашувлари шакллантирилган. Улар томонидан “барқарорлик” тушунчаси илк бор иқтисодий тизим сифатида кўриб чиқилган бўлиб, барқарорлик соҳасидаги асосий натижаларни шакллантириш учун бозор мувозанати ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда мувозанатга эришиш шароити ўрганилган.

“Иқтисодий барқарорлик” тушунчасига берилган таърифларни атрофлича ўрганган ҳолда саноат корхоналарининг “Иқтисодий барқарорлик” тушунчасини ифодаловчи таърифни шакллантиришда қуйидагиларни ҳам инобатга олиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- иқтисодий барқарорлик корхонанинг нафақат иқтисодий мувозанат ҳолатини ушлаб қолиши, балки ташқи жараёнлар таъсири остида ҳам ўз ривожланишини давом эттиришини ифодалайди;

- иқтисодий барқарорлик бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий мувозанат ҳолатини, ҳам турғун ривожланишни ифодалайди. Шундай экан, корхоналарнинг иқтисодий барқарорлиги шарт-шароитларнинг ўзгариши билан ўзгаради ва юз берган ўзгаришга мослашиш қобилиятини ифодалайди;

- қиймат ва сифатни ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичларнинг миқдор йиғиндисини асосида корхонанинг иқтисодий барқарорлик даражасини аниқлаш мумкин.

Демак, тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги дейилганда “корхоналарнинг барқарор ривожлана олиши ва рентабеллик фаолият юритиши учун хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар ўзгарганда ҳам уларнинг янги таъсирига мослашиш имкониятига эга бўлган ҳолда иқтисодий кўрсаткичларнинг маълум бир даражасини сақлаб қолиш қобилияти тушунилиши лозим”⁵.

⁵ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



1-чизма. Иқтисодий барқарорликга таъсир этувчи омиллар⁶

Замонавий шароитларда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш масаласи янада долзарб бўлиб қолмоқда. Чунки унинг барқарор иқтисодий фаолияти дастлаб сарфланган харажатларни қоплаш ва ўзига мақбул бўлган фойдага эришиш ҳамда рақобатчилар орасида ўз мавқеини сақлаб қолиш шароитини яратади. Тадқиқотлар натижасида

⁶ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

иқтисодий барқарорликни таъминлашга таъсир қилувчи омилларни олтига гуруҳга ажратиш мумкин деган хулосага келинди (1-чизма).

Юқорида санаб ўтилган омиллар асосий ҳисобланади. Уларнинг умумийлик жиҳати шундан иборатки, ҳар қандай иқтисодий жараён ёки ҳодисанинг амал қилиши анъанавий равишда иқтисодий-ижтимоий, молиявий, ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларга боғлиқ бўлади, лекин бу шарт-шароитлар турли соҳаларда унинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ равишда намоён бўлади.

Шундай экан, қайд этиб ўтилган барча омиллар нафақат тўқимачилик соҳаси фаолиятига, балки бошқа фаолият соҳаларида ҳам ўзига хос бўлган хусусиятлар билан ифода этилиши мумкин.

Шу билан бирга юқорида қайд этилган омилларга қўшимча равишда ташқи муҳит омиллини киритиш зарур. Корхона фаолиятининг натижалари асосан унинг ташқи муҳити билан белгиланади. Шунинг учун бу муҳитни билиш ва унинг ўзгаришига жавоб бера олиш ҳамда корхона ички тузилмаларига ўзгарувчан муҳитнинг таъсирини ўрганиш лозим. Шунинг эътиборга олган ҳолда, юқорида қайд этилган умумий омилларни ҳамда ташқи муҳит омилларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- тўғридан тўғри (бевосита) таъсир этувчи омиллар;
- билвосита таъсир этувчи омиллар.

Маълумки, амалиётда иқтисодий барқарорликни аниқлашда турли иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Фикримизча, замонавий шароитларда корхонанинг иқтисодий барқарорлигини аниқлашда молиявий таҳлилга, хусусан, молиявий таҳлил натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларга алоҳида урғу бериш зарур. Чунки ҳар қандай инвестор корхонанинг молиявий ҳолатини ўргангандан сўнг аниқ қарор қабул қилади. Шунинг учун молиявий таҳлил асосида иқтисодий барқарорликни баҳолашда унинг қуйидаги асосий тўрт турини фарқлаш керак:

1. Молиявий ҳолатнинг мутлақ барқарорлиги, ўз айланма маблағлари, қисқа муддатли кредитлар ва қарз маблағлари миқдори захираларга бўлган эҳтиёждан ортиқ бўлганда кузатилади ҳамда қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш тавсия этилади:

$$\text{ЭЗ} < \text{Ма} + \text{КкҚ} \quad (1)$$

Бу ерда, ЭЗ—захирага бўлган эҳтиёж,

Ма—ўз айланма маблағлари,

КкҚ—қисқа муддатли кредитлар ва қарз маблағлари.

Шу билан бирга, қуйидаги формулада ифодаланган шарт захираларни маблағлар манбалари билан таъминланиш коэффиценти учун бажарилиши лозим:

$$K_0 = (\text{Ма} + \text{КкҚ}) / \text{ЭЗ} > 1 \quad (2)$$

Бу ерда, K_0 —захираларни маблағлар манбалари билан таъминланиш коэффиценти.

2. Оддий барқарорлик, ушбу кўрсаткич натижаси корхонанинг тўловлилик қобилияти ифодаланади. Ушбу кўрсаткични қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш тавсия этилади:

$$\text{ЭЗ} = \text{Ма} + \text{КкҚ}, \text{ бунда } \text{К}_0 = (\text{Ма} + \text{КкҚ}) / \text{ЭЗ} = 1 \quad (3)$$

Заҳиралар миқдори қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни қоплаш ҳамда ўз айланма маблағларига эга бўлиш имконини беради.

3. Беқарор молиявий ҳолат, бунда корхонанинг тўлов баланси бузилади, аммо корхонанинг қимматли қоғозларини фонд бозорларига жойлаштириш асосида шаклланадиган маблағларни ташкилот фаолиятига жалб этиш орқали тўлов манбалари ва тўлов мажбуриятлари ўртасидаги ўзаро тенгликни тиклаш имконияти сақланади. Беқарор молиявий ҳолатни қуйидаги тартибда аниқлаш мумкин:

$$\text{ЭЗ} = \text{Ма} + \text{КкҚ} + \text{Мв.б}, \text{ бунда } \text{К}_6 = (\text{Ма} + \text{КкҚ} + \text{Мв.б}) / \text{ЭЗ} = 1 \quad (4)$$

Бу ерда, Мв.б – жалб қилинадиган маблағлар манбалари

4. Жорий тўлов қобилияти бирдан паст бўлган инқирозли молиявий ҳолат, яъни ушбу ҳолатга кўра пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва дебиторлик қарзлари корхонанинг кредиторлик қарзларини ҳамда муддати ўтган қарз маблағларини қопламайди. Ушбу ҳолатни қуйида ифодаланган формула асосида аниқлаш тавсия этилади.

$$\text{ЭЗ} > \text{Ма} + \text{КкҚ} + \text{Мв.б}, \text{ бунда } \text{К}_и = (\text{Ма} + \text{КкҚ} + \text{Мв.б}) / \text{ЭЗ} < 1 \quad (5)$$

Бундай вазиятда тўлов балансининг мувозанати иш ҳақи, банк кредитлари ва қарз маблағлари, таъминотчилар, солиқ ва йиғимлар бўйича муддати ўтган тўловлар билан таъминланиши мумкин.

Диссертация ишининг **“Тўқимачилик саноатининг ривожланиш тенденциялари”** номли иккинчи бобида тўқимачилик маҳсулотлари бозорларининг жорий ҳолати, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни истеъмол қилишдаги етакчи мамлакатлар ҳамда улар таркибида Ўзбекистоннинг тутган ўрни асослаб берилган, шунингдек, Фарғона вилоятининг тўқимачилик корхоналари мисолида иқтисодий барқарорлик даражасига баҳо берилган ва таҳлил қилинган.

Жаҳон мамлакатларининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳолатини ҳамда мамлакатимизнинг бу соҳадаги экспорт имкониятларини баҳолаш асосида, **“...Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноатида бир неча йиллар давомида тайёр маҳсулот (юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулот)нинг улуши 30 %ни ташкил этган”**⁷лиги аниқланди.


Мамлакат иқтисодий ривожланишида тўқимачилик соҳасининг муҳим аҳамиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда 2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури амалга оширилди. Дастурда белгиланган тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш натижасида 2020 йилга келиб калава-ип ишлаб чиқариш 2,5 баравар, тайёр матолар 2,8 бараварга, нотўқима материаллар 1,5 бараварга, трикотаж матоларни 2,7 бараварга оширишга эришилди.

⁷ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, <https://stat.uz/uz/nashrlar/3677-o-zbekiston-s-no-ti>

Шунингдек, тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни 3,2 бараварга, трикотаж маҳсулотларини 2,1 бараварга, ипак хом-ашёсини ишлаб чиқаришни 2,1 бараварга ошириш таъминланди. 2011 йилда матони ишлаб чиқариш ҳажми 85,63 млн. кв. метрни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткич 459,2 млн. кв. метрдан ошди ва ишлаб чиқариш ҳажмининг 5,4 баравар ўсишини таъминлади.

Ўзбекистонда ҳозирда 89 та трикотаж газлама, 495 та тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, 354 та тикувчилик маҳсулотлари, 54 та пайпоқ маҳсулотлари, 20 та тўқимачилик галантереяси ва 1400 та шу каби бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда. Калава-ип маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналар таркибида Фарғона вилоятининг “QUVA TEKSTIL” МЧЖ корхонаси етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Мазкур корxonанинг йиллик калава-ип ишлаб чиқариш қуввати 2,2 минг тоннани ташкил этади. Ушбу корхонада юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятларини баҳолаш ва корxonанинг иқтисодий барқарорлик даражасини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш, технологик, маркетинг ва ташкилий барқарорлик коэффициентлари таҳлили амалга оширилди.

Таҳлил қилинаётган даврда “QUVA TEKSTIL” тўқимачилик корxonасида ишлаб чиқариш барқарорлигини ифодаловчи коэффициентларнинг сўнгги йилларда пасайиш тенденцияси кузатилган.



2-чизма. “QUVA TEKSTIL” корxonасининг ишлаб чиқариш барқарорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси⁸


Молиявий-иқтисодий жиҳатдан барқарор корxonанинг тўлов қобилияти юқори бўлганлиги сабабли бундай корxonалар учун банк кредитларини олиш, инвестицияларни кенг жалб этиш жараёни осон кечади. Молиявий барқарор корxона ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнлари бўйича нисбий устунликларга эга бўлади.

⁸ Корxона маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари “ТЕХУГЕН ТЕХТИЛЕ” МЧЖ корхонаси мисолида ҳам ўрганилганда, хусусан ишлаб чиқариш барқарорлиги коэффиценти 2015 йилда 2,62 ни ташкил этган бўлса, 2018 йилга қадар бу коэффицент 3 дан юқори бўлганлиги аниқланди. Бунга ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳамда тўлов қобилиятига эга бўлган харидорлар билан тузилган шартномаларнинг бажарилганлиги сабаб бўлган. 2019 йилда корхонага янги ишлаб чиқариш жиҳозларини киритиш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши кузатилган. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш барқарорлиги коэффицентининг пасайишига сабаб бўлган.

Шунингдек, “ТЕХУГЕН ТЕХТИЛЕ” корхонасининг ликвидлик даражаси тебранувчан характерга эга, хусусан, 2015-2016 йилларда белгиланган меъёр даражасидан анча паст бўлган бўлса, 2017 йилга келиб эса меъёрга яқинлашган.

Корхонанинг молиявий мустақиллик коэффиценти ўсиш тенденциясига эга бўлиб 2015 йилда 0,286 ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич 2,62 га тенг бўлган. Корхонанинг молиявий мустақиллик коэффиценти сўнгги йилларда белгиланган меъёр даражасидан ошган. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти меъёр даражасида бўлсада, аммо таҳлил қилинган йиллар мобайнида ушбу коэффицентнинг тебранувчанлик даражаси юқори бўлган. Хусусан, 2016 ва 2019 йилларда юқори натижа таъминланган. Активлар рентабеллиги даражаси эса қарийиб барқарор бўлиб ўртача 0,160 ни ташкил этган. Натижада ўртача молиявий барқарорлик коэффиценти дастлабки йиллардаги 0,5 коэффицентдан 2019 йилда 1,54 коэффицентга кўтарилган. Ушбу ҳолат 2019 йилга келиб корхона молиявий ҳолатининг барқарорлашганлигидан далолат беради (3-чизма).



3-чизма. “ТЕХУГЕН ТЕХТИЛЕ” МЧЖ корхонасининг молиявий барқарорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси⁹

Юқорида таҳлил қилинган “QUVA TEKSTIL” ва “ТЕХУГЕН ТЕХТИЛЕ” корхоналарининг иқтисодий барқарорлик коэффицентлари солиштирилганда

⁹ Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

“QUVA TEKSTIL” корхонасининг иқтисодий барқарорлигини ифодаловчи молиявий, ишлаб чиқариш, маркетинг ва технологик барқарорлик коэффициентлари “TEXYGEN TEXTILE” корхонасининг ушбу кўрсаткичларига нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Ушбу ҳолат “QUVA TEKSTIL” корхонасининг 21 йиллик тажрибаси, маҳсулот бозорларидаги улушининг юқорилиги ва ниҳоят тўқимачилик соҳаси бўйича иш тажрибасига эга бўлган малакали кадрларнинг мавжудлиги билан асосланади.

Шунингдек, иқтисодий барқарорликни молиявий таҳлил асосида ўрганишда 1.3 параграфда эътироф этилган кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини тўлиқ баҳолаш имкониятини яратади. Хусусан:

$$\begin{aligned} \text{ЭЗ} &< \text{Ма} + \text{КкК} \\ 180\,000\,000 &< 180\,137\,654 \end{aligned}$$

2019 йилда “QUVA TEKSTIL” корхонасининг молиявий мутлақ барқарорлик кўрсаткичи, яъни ўз айланма маблағлари ва қисқа муддатли қарз маблағлари йиғиндиси 180 137 654 минг сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич, ўз навбатида, захираларга бўлган эҳтиёждан 137 654 минг сўмга кўпдир. Ушбу натижа корхонанинг мутлақ барқарор эканлигини асослайди.

Диссертациянинг **“Фарғона вилояти тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш”** номли учинчи бобида тўқимачилик корхоналарида иқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда тўқимачилик соҳасининг ўзига хослиги саноатда бирламчи тўқимачилик ишлаб чиқаришининг устунлиги ва хом-ашёни қайта ишлаш даражасининг пастлиги бўлиб ҳисобланади. Мамлакатда хом-ашёни чуқур қайта ишлаш рентабеллиги ҳамда пахта толасини ишлаб чиқариш бўйича дунёда еттинчи, экспорт бўйича эса саккизинчи ўринни эгаллашига қарамай, тўқимачилик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган пахта толаси умумий ҳажмининг 15 фоизидан кўп бўлмаган қисми истеъмол қилинади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатда тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлигидан далолат беради.

Саноатни, умуман унинг асосий бўғини ҳисобланган тўқимачилик саноатини янада самарали ривожлантиришнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти, шунингдек, хом-ашёни чуқур қайта ишлашни оширишга ва ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар турини кўпайтиришга бўлган талабнинг юқорилиги тармоқлараро таҳлилни амалга ошириш ҳамда кластерларни шакллантириш ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологик циклини такомиллаштириш асосида соҳанинг ривожланишини прогноз (башорат) қилиш зарурлигини келтириб чиқаради.

Технологик цикл маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблигига ва меҳнат сифимига, техника ва технологиянинг даражасига, асосий ва ёрдамчи операцияларнинг механизациялаштирилганлигига ҳамда автоматлаштирилганлигига, сифатли иш ўринларини ташкил этилганлигига боғлиқ. Технологик циклнинг самарадорлиги эса қуйидагиларда намоён бўлади:

ишлаб чиқариш жараёнини, иш ўринларини техник ва технологик янгилаш асосида меҳнат унумдорлигининг ошишида;

ишлаб чиқариш циклини камайтириш орқали айланма маблағларнинг айланиш тезлигини оширишга эришишда;

ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш асосида маҳсулот таннархини пасайишида.

Ўзаро бир-бирининг ишлаб чиқариш фаолиятига боғлиқ бўлган тармоқлар ички ва ташқи бозор учун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган кластерларни ёки саноат гуруҳларини ташкил этиш асосида бирлашишлари мумкин. Тармоқлараро ўзаро боғлиқликни (алоқани) ташкил этиш билан қўшимча қийматнинг бутун занжирига самарали таъсир кўрсата оладиган инновацияни алоҳида турини – “ялпи инновацион маҳсулот”ни яратиш мумкин. Тармоқлараро баланс асосида тармоқларнинг ўзаро таъсирини баҳолашни амалга ошириш билан ягона логистик “ойна” орқали молиявий оқимларни ва фаолиятни назорат қилиш мумкин. Шунингдек, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган кадрларнинг малакасини ошириш учун зарурий харажатларни камайтиришга имкон яратилади. Тармоқлараро кооперация натижасида инвестицияларни жалб этиш шарт-шароитлари, инвестицияларни фаолият соҳалари бўйича тақсимлаш жараёни яхшиланади, юқори сифатли инсон капитали шакллантирилади.

Тармоқлараро баланс усули ёрдамида тармоқлар (саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат соҳалари) ривожланишининг умуман иқтисодиётга ҳамда хусусий ҳолда тўқимачилик саноатига таъсири, шунингдек, тўқимачилик саноатининг ривожланишини иқтисодиётга ҳамда унинг бошқа тармоқларига (саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасига) таъсири кўриб чиқилган. Ушбу ўзаро алоқаларни (муносабатларнинг) миқдорий баҳолаш истиқбол учун мўлжалланган прогноз параметрларини ва иқтисодиётни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради.


Тармоқлараро кооперацияни ташкил этиш учун эса “Леонтъев модели” асосида тармоқлараро балансдан фойдаланиш ишлаб чиқариш ва инвестиция мултипликаторларини ҳисоблаш имконини беради. Ишлаб чиқариш мултипликатори тўқимачилик ва бошқа саноат маҳсулотларининг кўпайиши натижасида умумий иқтисодиёт ёки тармоқ ялпи маҳсулотининг ҳажми қандай ўзгаришини ифодалайди.

Тадқиқот ишида “Леонтъев модели”ни ҳисоблаш асосида, саноатнинг Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа тармоқларига мултипликатив таъсири ҳисоблаб чиқилди. Масалан, тўқимачилик саноати корхоналарида 2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш кимё саноати маҳсулотларининг 220 минг АҚШ долларлик ўсишини келтириб чиқаради ($M=2$ млн. $c_{\text{ўм}} \times 0,11 = 220$ минг долл.).

Сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётини саноатлаштириш сиёсатини шакллантириш масаласининг илмий-назарий асослари иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларида кўплаб кузатилмоқда. Саноатнинг

мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрнини мустаҳкамлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳамда модернизациялаш жараёнларини фаоллаштириш асосида саноат имкониятларини кенгайтиришга эришиш инновацион тараққиёт босқичининг энг аҳамиятли масалаларидан биридир.

